

## Истанбул Техника Университетига ТИҚХММИ профессорининг расмий ташрифи

Шу кунларда институт профессори Обид Турсунов чет элдаги бир қатор университетлар таклифига биноан ҳамкорликни амалда ташкил қилиш ва амалий натижаларни кучайтириш мақсадида хизмат сафарида бўлиб туриди. 7 апрел куни профессор О.Турсунов Туркиянинг техника йўналиши бўйича энг етук университетларидан бири бўлган Истанбул Техника Университетига ташриф буюрди ва ушбу университет ректори профессор Исмаил Коюнсу билан ёпик эшиклар ортида расмий учрашув ўтказдилар.



Учрашув давомида Истанбул Техника Университети (ИТУ) ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти (ТИҚХММИ) ўртасида икки томонлама алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, кесишган соҳаларда ҳамкорлик қилиш ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқариш, шунингдек, икки томонлама 1+1 дастур доирасида магистр ва PhD тайёрлаш белгилаб олинди. Бундан ташқари икки ОТМ келишув асосида халқаро илмий симпозиумлар ташкил қилиш ва ТИҚХММИ профессор-ўқитувчиларини ИТУ илмий-техник базасидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилиши белгилаб олинди. Шунингдек, ташриф давомида институтимиз профессори Истанбул Техника Университети (ИТУ) илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялари билан яқиндан танишди.



**“ЭТваҚТЭМ” кафедраси таянч докторант Н.Абдуғаниев**

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**